Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 9 февраль, № 27 (6985) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

**9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН**

## Дунё эъзозидаги мерос

Бугунги глобаллашув шароитида Алишер Навоийнинг замон ва макон билмас бадиий закосига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эҳтиёж сезилмоқда. Зотан, бобокалонимиз асарлари ҳаёт қомуси янглиғ башариятни ҳамиша тўғри йўлга бошлайди.

Бу ҳақда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ўтказилган республика илмий-амалий анжуманида алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М. Аҳмедов, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Д. Бадарч, филология фанлари доктори, профессор Ш. Сирожиддинов ва бошқалар умумбашарий ғояларни тарғиб қилиш тобора долзарблик касб этаётган XXI асрда Алишер Навоий ижоди маънавият, дид ҳамда эътиқод фалсафаси сифатида алоҳида қадр ва эъзозга муносиблигини қайд этди. Зеро, улуғ шоир асарлари нафақат ўзбек халқининг, балки бутун инсониятнинг маънавий меросидир.

Анжуманда 15 дан ортиқ хорижий мамлакатларнинг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари, миллий маданий марказлар раҳбарлари, тилшунос ва адабиётшунос олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Тадбир аввалида ҳурмат ва эҳтиром ифодаси сифатида Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйилди.

Шуъбаларга бўлинган ҳолда давом этган анжуманда Алишер Навоийнинг адабий мероси ва таржимаи ҳоли, аллома ижодининг жаҳон тамаддунидаги ўрни, ўзбек тилшунослигининг шаклланишидаги аҳамияти, шоир асарларини хорижий тилларга таржима қилиш ва ўқитиш масалалари муҳокама этилди.

(Давоми 4-бетда).



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

*Алишер Навоий таваллуд топган кунга бағишлаб тайёрланган «Абадият гулшани» саҳифаси билан газетамизнинг 4-бетида танишасиз.*

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади**



## АҲОЛИ ТАЛАБ ВА ЭҲТИЁЖЛАРИ ЭЪТИБОРГА ОЛИНАДИ

*Мактабгача таълим тизими фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланади. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, унинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти жуда катта. Мамлакатимизда ушбу йўналишда туб ислоҳотлар амалга оширилаётгани ўғил-қизларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишларида мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.*

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Вояга етмаганлар бўйича идоралараро комиссия билан ҳамкорликда “Мактабгача таълим: давлат талаблари, эҳтиёж, замонавий шакллар” мавзуида ташкил этилган семинарда шулар хусусида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, ўтган қисқа вақт мобайнида Президентимизнинг мактабгача таълим тизимини, унинг бошқарувини тубдан такомиллаштириш, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармон ва қарорларида таълимнинг янги механизмларини жорий этиш белгиланди. Мазкур вазифалар, шунингдек, “йўл харитаси”га киритилган чора-тадбирлар изчил рўёбга чиқарилмоқда. Бунда мактабгача таълим тизимига бўлган эҳтиёжнинг юқорилиги, соҳадаги туб ўзгаришлар, давлат ва хусусий секторнинг уйғунлашуви ҳисобга олингани айни муддао.

Семинарда ўтган йилда янги таълим муассасаларини қуриш, мавжудларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилгани, жорий йилда ҳам ушбу саъй-ҳаракатлар давом эттирилиши қайд этилди. Чунончи, 2018 йил 1 январдан бошлаб, 5 йил давомида инвестиция мажбуриятларини бажариш шарти билан “ноль” қийматида биноларнинг берилиши ҳамда хусусий инвесторларнинг ўзига тегишли бўлган биноларда ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг 2023 йил 1 январгача фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ хизматлари учун тўловнинг 50 фоизи Давлат бюджети ҳисобидан тўланиши кўзда тутилди.

(Давоми 2-бетда).

## ИСЛОМ КАРИМОВ – МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН АСОСЧИСИ




*“Туркистон” санъат саройида Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди томонидан тайёрланган ва нашр қилинган “Ислом Каримов — мустақил Ўзбекистон асосчиси” китоб-альбомининг тақдимотига бағишланган “Оташ каби ёниб, ўзгалар йўлини ёрит” шиори остидаги тантанали маросим бўлиб ўтди.*

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Ўзбекистонда аккредитация қилинган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, илм-фан, маданият, санъат намояндалари, ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг рафиқаси, китоб-альбом лойиҳа муаллифи Т. Каримова, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Г. Зокирова, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, Ислом Каримов номидаги давлат стипендияси соҳибаси Д. Холжигитова, Ибройим Юсупов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси А. Қалибаева ва бошқалар буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримов бутун фаолиятини, ҳаётини Ватанимизнинг озодлиги, тинчлик-осойишталиги, халқимизнинг, айниқса, келажагимиз эгалари бўлган ёшларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечириши, ўз орзу ва мақсадларини рўёбга чиқариши учун бахшида қилганини таъкидлади.

Ўта мураккаб ва таҳликали вазиятда мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгани ва ўтган йиллар давомида улкан ютуқ ва марраларга эришгани, халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг бахтли ҳаёт кечириши, ўз орзу-истакларини рўёбга чиқариши ва ёруғ келажак сари интилиши халқимизнинг азиз фарзанди Ислом Каримовнинг жасорати, матонати, мардлик ва олижаноблик фазилатлари, ноёб истеъдоди, одиллиги ва донишмандлиги, узоқни кўра билиши ва Ватанимизга, халқимизга садоқати, унинг келажаги буюк бўлишига улкан ва қатъий ишончи туфайли рўй берди. Бундай буюк ва олижаноб инсоннинг хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ҳам шараф, ҳам фарздир.

(Давоми 2-бетда).

## САЙЁҲЛИК РАВНАҚИ

### маҳаллий бюджетга қўшимча даромад келтиради

*Туризм — иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан бири саналади. Юртимизда 7 минг 330 дан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд ва уларнинг аксарияти ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Мамлакатимизнинг бетакрор табиати, гўзал дам олиш зоналари имкониятларидан фойдаланиб, янги туристик йўналишлар очиш мумкин.*

**СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ**

Кейинги пайтларда юртимизда ушбу соҳага жаҳон брендларини фаол жалб этган ҳолда, зиёрат туризми, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик туризм ва бошқа тармоқларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони туризм салоҳиятини, биринчи навбатда, инвестицияларни фаол жалб қилиш, соҳага инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакатнинг бой табиий, маданий ҳамда тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратишни кўзда тутади.

Ўтган давр мобайнида давлатимиз раҳбарининг топшириқлари асосида Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах ва Фарғона вилоятларида туризм инфратузилмасини яхшилаш, янги сайёҳлик йўналишларини ташкил этиш ҳамда ҳудудларнинг туризм салоҳиятини кенг тарғибот қилишга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, ҳар бир йўналиш бўйича, яъни Европа, Осиё ва бошқа қитъалардан келадиган сайёҳлар учун махсус дастурлар ишлаб чиқиш, чартер рейслар ва темир йўлларда қатновлар сонини кўпайтириш, туризм ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўзлаштириш, ички туризмни ривожлантириш, сайёҳлик объектларини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида жойларда лойиҳалар амалга оширилаётгани қувонарлидир.

(Давоми 2-бетда).

## «Афросиёб» Шаҳрисабзга ҳам боради

*Юртимизнинг бой маънавий-маданий мероси, тарихи минг йилларга бориб тақалувчи объектлари, қулай табиий-иқлим шароити туризмни равнақ топтиришда қўл келади.*

**БУНЁДКОРЛИК**

Бундай жиҳатлар шу йил 3 февраль куни Президентимиз томонидан имзоланган “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонда ҳам алоҳида белгилаб берилди. Туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида меҳмонхоналар, йўллар, муҳандислик ва коммуникация инфратузилмаларини қуриш бўйича инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш шулар жумласидандир.

Республикамизга сайёҳлар келишини кўпайтириш, уларга замонавий хизматлар кўрсатилишида транспорт-коммуникация тармоқларининг ҳам алоҳида ўрни бор, албатта. Яъни бу икки тармоқ бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис кейинги йилларда темир йўл тизимида маҳаллий ва хорижлик йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил январь ойида Қашқадарё вилоятига қилган ташрифи давомида тақдимоти ўтказилган Тошгузар — Шаҳрисабз — Китоб темир йўлини модернизация қилиш ва электрлаштиришга доир лойиҳа шулардан биридир.

(Давоми 2-бетда).

**ФАРМОН ВА ИЖРО**

## Замонавий, тезкор, қулай

### Булар давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимига хос жиҳатлардир.

Президентимизнинг 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ҳақчил тамойилни сўзсиз амалга ошириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Гап шундаки, мазкур ҳужжатга биноан, Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилиши жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатишда ортиқча маъмурий тартиб-таомилларнинг барҳам топишига, идоралараро электрон ҳамкорликнинг ривожланишига, асосийси, давлат органлари ҳамда халқ ўртасидаги мулоқотни янада шаффофлаштиришга замин яратади. Шаҳар ва туманларда Агентлик таркибида фаолият юритаётган давлат хизматлари марказлари эса энг чекка, олис ҳудудларда яшовчи аҳолига ҳар томонлама қулайликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратаётгани айни муддаодир.

(Давоми 2-бетда).

**2018 ЙИЛ – ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ**

## ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ИККИНЧИ ЙЎНАЛИШИ –

### қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш



- 2018 — 2021 йилларда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича концепцияни ишлаб чиқиш, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддатларини қайта кўриб чиқиш режалаштирилган. Жиноий ва маъмурий жавобгарликни либераллаштириш, процессуал нормаларни такомиллаштириш кўзда тутилган.
- Дастлабки тергов устидан суд назоратини кучайтириш учун тинтув ва телефон сўзлашувларини эшитишга санкция бериш ваколати судга ўтказилади.
- Инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида тергов изоляторлари ва жазони ижро этиш муассасалари видеокузатув воситалари билан жиҳозланади.
- Ички ишлар органлари йўл-патруль ва патруль-пост хизматлари видео-фиксаторлар билан таъминланади.
- Давлат дастурида прописка ва паспорт тизимини соддалаштиришга доир чора-тадбирлар ҳам кўзда тутилган.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

*Охирги бир йилда пиллачилик тармоғи қолоқликдан халос бўлиб, ривожланиш сари юз бурди. Ўтган мавсумда мамлакатимизда икки марта, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида эса ҳатто уч марта ипак қурти парваришланиб, мўл ҳосил етиштирилгани ана шундай дейишимизга асос бўла олади.*

*Бундай натижага қандай эришилди? Соҳа фидойиларининг айтишича, тармоқни комплекс ривожлантиришга қаратилган яхлит ташкилий-технологик тизим барпо этилгач, муваффақиятлар эшиги кенг очилди.*



# Инновацион пиллахона

## Унинг афзалликлари нимада?

### Янги тузилманинг илғор ғоялари

Президентимизнинг 2017 йил 29 мартдаги қарорига мувофиқ, "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси ташкил этилганидан сўнг хориж тажрибаси ўрганилган ҳолда, тармоққа инновацион ғоя ва технологиялар кенг жорий қилина бошланди. Бу нафақат ипак қурти парваришлаш жараёни, балки озуқа етиштириш, зарур ускуна ва жиҳозлар етказиб бериш, қайта ишлаш босқичларини тўлиқ қамраб олаётгани туфайли самара тезда кўзга ташланаяпти. Инновацион пиллахоналарда қўлга киритилган дастлабки натижалар бунга яққол мисолдир.

Гап шундаки, ўтган йили Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Андижон ва Фарғона вилоятларида 150 дан ортиқ пилла етиштириш янги мажмуалари барпо этилиб, тармоқда такрорий пилла етиштириш йўлга қўйилди.

Хўш, инновацион пиллахонанинг афзалликлари нимада?

— Хитой технологияси асосида бунёд қилинган пиллахонада ипак қурти плёнка остида парваришланади, — дейди "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси раиси ўринбосари Олимжон Жумаев. — Бунинг ҳисобига барг сарфи 30 фоизгача камаяди, унинг қотиб қолиб, беҳуда йўқотилишининг олди олинади. Ушбу усулнинг яна бир қулайлиги — сунъий дасталардан фойдаланилиши. Илгари пилла ўраш учун мингбоши ва бошқа ўсимликлар, шунингдек, терак шох-шаббаларидан дасталар қўйилиши оқибатида ҳосил маълум қисмининг салмоғи ва сифати йўқотилар эди. Сунъий дасталар ҳисобига эндиликда жаҳон стандартларига мос пилла олинаяпти.

### Экспорт йилига 1 миллиард долларга етказилади

Мутахассисларнинг таъкидлашича, юқори самарали пиллахоналарни бунёд этиш қийин эмас, аксинча иқтисодий жиҳатдан тежамлидир. Чунки қурилишда тўлиқ маҳаллий хом ашёдан фойдаланилади. Деворлари хом ғиштдан тикланиб, лойсувоқ қилинади. Том қисми шифер ёки тўл билан ёпилади, шифтига бўз матоси тортилади. Қимматбаҳо деразалар ҳам шарт эмас. Улар ўрнига қўлбола ромлар ўрнатилиши кифоя. Натижада иморатлар жуда арзонга тушади. Муҳими, ҳудудлар табиий-иқлим шароити инобатга олинган ҳолда, бунёд қилинаётган мажмуалар баҳорда иссиқ, ёзда салқин бўлади. Бу, ўз навбатида, энергия ресурсларини тежашда қўл келади.

Давлатимиз раҳбари яқинда Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида худди шундай комплекслардан бири — Термиз туманидаги "Inter Silk Pro" қўшма корхонасига қарашли пиллахона билан танишар экан, келгуси беш йилда пиллахоналарни 10 мингтага, пилла экспортини йилига 1 миллиард долларга етказиш ҳақида мутасаддиларга топшириқ берди.

"Ўзбекипаксаноат" уюшмаси раиси Баҳром Шариповнинг қайд этишича, ушбу кўрсатмадан келиб чиқиб, мамлакатимизда пилла етиштиришни кўпайтириш бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқилди. Унда белгилаб олинган лойиҳалар ижроси ўз вақтида таъминланса, амалда бунга тўлиқ эришилади.

### Баландпарвоз гаплардан йироқ, пухта ва ҳаётий

Бугунги кунда республикамиздаги мавжуд тутзорлар уюшма тасарруфига ўтказилаётган бўлиб, унинг ҳар беш гектарида биттадан инновацион пилла етиштириш маскани барпо этилади. Лойиҳалар баландпарвоз гаплар, бир неча йиллар илгариги, амалий натижа бермаган "индекс"лардан воз кечилган ҳолда, оддий ва пухта ҳисоб-китоблар асосида ишлаб чиқилиб, реал ҳаётга татбиқ қилинмоқда.

Кези келганда, айтиш жоизки, тутзорлар маҳсулдорлигини ошириш мақсадида янги плантацияларни барпо этиш, мавжудларини тиклашда ҳам инновацион усул қўлланилаётир. Ниҳоллар 0,90х0,20 схема бўйича гектарига 55 минг тупдан ўтқазилаяпти. Хориждан келтирилган бу тут навлари иссиқ ва совуқ ҳароратга чидамли бўлиши билан бирга, йилига уч-тўрт марта барг беради. Шунинг ҳисобига юртимизда такрорий пилла етиштириш имконияти йил сайин кенгайиб бораверади.

Яна бир эътиборли жиҳати, иш кластер усулида ташкил этилиб, пиллачилик мажмуалари қошида паррандачилик, асаларичилик, чорвачилик ва қуёнчиликни ривожлантириш, иккиламчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш имконияти пайдо бўлаяпти. Натижада ҳар бир пиллахонада 10 дан зиёд кишилар доимий, 80 га яқини мавсумий ишга жалб этилади. Энди бунга тез орада фойдаланишга топшириладиган пиллахоналарда яратиладиган минглаб янги иш ўринларини ҳам қўшадиган бўлсак, тармоқнинг қишлоқ аҳолиси бандлиги таъминланиши, даромад манбаи шаклланишида нечоғли катта роль ўйнашини тасаввур қилиш қийин эмас.

### Муваффақият калити қўлимизда

— Ҳозирги пайтда инновацион пиллахоналар қуриш ишлари жадал суръатда олиб борилмоқда, — дейди О. Жумаев. — "Йўл харитаси"га биноан, шу йилнинг ўзида 1 000 та шундай объект бунёд этилиб, уларда мавсум давомида камида уч марта ипак қурти парваришланади. Бу эса қайта ишлаш корхоналарининг сифатли хом ашёга бўлган эҳтиёжини қондириш, экспорт ҳажмини кўпайтириш, пировардида пиллачилар моддий манфаатдорлигини оширишда қўл келади.

Бугунги замон олдимизга қўяётган талабларга, шиддатли ислоҳотларга ҳамоҳанг меҳнат қилинса, ишга муносабат тубдан ўзгарса, унга ижодкорона ёндашилса, қайси соҳа бўлишидан қатъи назар, албатта, муваффақият қозонилади.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## Табиий сув ҳавза участкаларини балиқ овлаш хўжаликларига ижарага бериш бўйича ТАНЛОВ

**«Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг 2017 йил 27 декабрдаги 20-сонли буйруғига 2-илова**

***(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2939-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 августдаги 593-сонли қарорларига асосан)***

### Диққат танлов!

**Танловда иштирок этиш тартиби, шартлари ва керакли ҳужжатлар рўйхати:**

- Талабгорнинг тўлиқ номи ва жойлашган манзили (почта манзили), телефон рақами кўрсатилган аризаси;
- Балиқ овлашни амалга ошириш бўйича бизнес-режа;
- Балиқ овлашни амалга ошириш бўйича бизнес-режанинг молиялаштириш манбалари (талабгорнинг ўз маблағлари, тижорат банклари томонидан ажратилган кредит маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар) билан таъминланганлиги ҳақидаги маълумотлар;
- Балиқ овлаш ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш учун моддий-техника воситаларининг (русуми кўрсатилган қайиқлар, моторлар, овлаш қуроллари, автотранспорт воситалари, балиқ ва балиқ маҳсулотларини сақлаш учун совитиш ускуналари ва ҳоказо) мавжудлиги ҳақида маълумотлар;
- Балиқ (турлари ва миқдори бўйича) чавоқлари билан тегишли сув ҳавза участкасини ҳар йили балиқлантиришни амалга ошириш бўйича таклифи.

Талабгорларнинг танлов таклифлари жойланган конвертларни очиш 2018 йил 20 февраль куни соат 10.00 да комиссия мажлисида амалга оширилади. Талабгорлар ёки уларнинг вакиллари танлов таклифлари конвертлари очилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Ижара шартномаси «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси ва танлов ғолиби билан камида 10 йил муддатга тузилади.

*Аризалар 2018 йил 19 февраль куни соат 18.00 га қадар қабул қилинади.*

**Табиий сув ҳавза участкаларини балиқ овлаш хўжаликларига ижарага бериш бўйича танлов натижалари 2018 йил 20 февраль куни эълон қилинади.**

Ушбу танловда иштирок этишни хоҳловчилар ҳужжатларини қуйидаги манзилга тақдим этишлари мумкин:
Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90-уй. Телефонлар: (+99890) 315-35-27, (0-371) 290-00-82.
Электрон почта манзили: toshkentbaliqsanoat@mail.ru

«Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси
Мурожаат учун телефонлар:
(0-371) 260-50-69, (+99899) 897-77-02.
Сайт: uzbekbaliqsanoat.uz

*Танловда Ўзбекистон Республикаси резиденти ва норезидентлари юридик шахс сифатида иштирок этиши мумкин.*

| Туман номи | Сув ҳавзасининг номи | Сув ҳавзасининг майдони | Танлов ўтказиладиган даврдаги ўртача маҳсулдорлиги, кг/га | 2018 йилда балиқлантириш ҳажми, дона | 2018 йилда балиқ овлаш ҳажми, тонна |
|---|---|---|---|---|---|
| Оҳангарон тумани | «Оҳангарон» сув омбори | 552 | 10 | 27600 | 33,6 |
| Ўрта Чирчиқ тумани | «Тошкент» сув омбори | 2073 | 10 | 103650 | 126,0 |
| Бўстонлиқ тумани | «Ҳожикент» сув омбори | 250 | 10 | 12500 | 15,2 |
| | «Ғазалкент» сув омбори | 186 | 10 | 9300 | 11,3 |
| Чиноз тумани | «Яллама карьер кўли» | 150 | 10 | 7500 | 9,1 |
| | «Янгиобод» кўли | 18 | 10 | 900 | 1,1 |
| Паркент тумани | «Хўжакўл» табиий кўли | 17,4 | 10 | 870 | 1,1 |
| Қибрай тумани | «Мовий кўллар» | 7,5 | 10 | 375 | 0,5 |
| Бекобод тумани | Табиий кўл | 9,3 | 10 | 465 | 0,6 |
| | Табиий кўл | 2,4 | 10 | 120 | 0,1 |
| | Табиий кўл | 1,15 | 10 | 60 | 0,1 |
| | Табиий кўл | 45,9 | 10 | 2295 | 2,8 |
| | Табиий кўл | 3,7 | 10 | 185 | 0,2 |
| | Қўшкўл | 60,3 | 10 | 3015 | 3,7 |
| | Шўркўл | 245 | 10 | 12250 | 14,9 |
| | Янги кўл | 51,3 | 10 | 2565 | 3,1 |
| | Табиий кўл | 35,4 | 10 | 1770 | 2,2 |
| | Табиий кўл | 72,9 | 10 | 3645 | 4,4 |
| **Жами** | **19 та** | **3781,25** | **10** | **189065** | **230** |

**Тошкент вилоятидаги табиий кўллар ҳамда сув омборларида танловни ўтказиш тартиби тўғрисидаги, шу жумладан, танловда иштирок этиш шартлари тўғрисидаги маълумотларни «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг ҳудудий филиалидан олишингиз мумкин.**

***Илова:*** Танлов ўтказиш комиссиясининг иш юритиш регламенти.

*** Танловда иштирок этиш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир баробари миқдоридаги тўлов ундирилади.**

**Асосий ҳ/р:** 20208000900764793001, МФО: 00408, «Ипотека-банк» АТИБ Тошкент вилояти филиали.

92R/59



## Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

**қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:**

**Математика факультети:**
- Алгоритмлар ва дастурлаш технологиялари кафедраси — мудир;
- Математик моделлаштириш ва криптоанализ кафедраси — доцент;
- Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика кафедраси — мудир, катта ўқитувчи;
- Механиканинг назарий асослари кафедраси — мудир.

**Физика факультети:**
- Астрономия ва атмосфера физикаси кафедраси — мудир.

**Хорижий филология факультети:**
- Ўзбек ва рус тиллари кафедраси — катта ўқитувчи;
- Қиёсий тилшунослик кафедраси — доцент;
- Инглиз тили кафедраси — катта ўқитувчи, ўқитувчи.

**Биология факультети:**
- Экология ва эволюцион биология кафедраси — доцент.

**Геология ва география факультети:**
- География кафедраси — доцент.

**Ижтимоий фанлар факультети:**
- Психология кафедраси — доцент, ўқитувчи;
- Фалсафа ва мантиқ кафедраси — профессор, доцент, катта ўқитувчи;
- Ижтимоий иш кафедраси — мудир;
- Демократик давлат қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси — катта ўқитувчи.

**Журналистика факультети:**
- Услубият ва таҳрир кафедраси — доцент.

**Кимё факультети:**
- Умумий ва ноорганик кимё кафедраси — доцент.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
1. *Ректор номига ариза;*
2. *Номзоднинг шахсий варақаси;*
3. *Маълумоти, илмий даража, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;*
4. *Паспорт нусхаси;*
5. *Илмий ишлар рўйхати (факультет илмий котиби томонидан тасдиқланган ҳолда);*
6. *Малака ошириш тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.*

***Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.***

**Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУнинг ходимлар бўлими. Телефон: (0-371) 227-15-50.**

123R/44



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
232-10-63.
E-mail: reklama@xs.uz



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

**қуйидаги профессор-ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади:**

- **Банк иши кафедраси:** кафедра мудири, профессор, доцент;
- **Молия кафедраси:** кафедра мудири, доцент;
- **Инвестициялар кафедраси:** доцент;
- **Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси:** профессор, доцент;
- **Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи;
- **Пенсия ва суғурта иши кафедраси:** доцент;
- **Чет тиллари кафедраси:** кафедра мудири, катта ўқитувчи.

Барча профессор-ўқитувчи лавозимларига (кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи) номзодларни танлашда дунёнинг етакчи хорижий университетлари ва илмий марказларида таҳсил олган (стажировка ўтган ёки малака оширган) ҳамда илғор хорижий таълим стандартлари ва технологияларини пухта эгаллаган, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда инглиз тилидан педагогик ва илмий тадқиқот фаолиятида эркин, амалий фойдаланиш имкониятига эга бўлган, ўз мутахассислиги фанининг замонавий илмий-назарий, методологик ҳамда амалий муаммолари ва ривожланиш тенденцияларини чуқур ўзлаштирган шахсларга алоҳида эътибор қаратилади.

Кафедра мудири лавозимини эгаллаш учун танловда профессор ёки доцент илмий унвонига, фан номзоди, фалсафа доктори (PhD), фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган шахслар иштирок этиши мумкин.

Профессор лавозимини эгаллаш учун танловда, қоидага кўра, профессор илмий унвонига ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига, шунингдек, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган шахслар иштирок этиши мумкин.

Доцент лавозимини эгаллаш учун танловда, қоидага кўра, доцент илмий унвонига, катта илмий ходим ёки фан номзоди, фалсафа доктори (PhD), фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган шахслар иштирок этиши мумкин.

Катта ўқитувчи лавозимини эгаллаш учун танловда олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис), шунингдек, илмий даража (шу жумладан, фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (PhD) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга) ва илмий унвонга эга бўлган ҳамда бундай даража ва унвонга эга бўлмаган, бироқ ўқитувчилик, илмий тадқиқот ва ишлаб чиқариш ишлари тажрибасига эга бўлган шахслар ҳам қатнашиши мумкин.

**Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:**
1. Ректор номига ариза;
2. Кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
3. Дипломлар ва аттестатлар нусхалари;
4. Илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати;
5. Малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар.

**Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй.
Маълумот учун телефонлар:
(0-371) 237-54-53, 237-53-61, 237-54-09.**

97А/55



Micros® | POS-системы / торговое оборудование

**POS-СИСТЕМЫ**
И АВТОМАТИЗАЦИЯ

- ✓ Торговые точки (магазины/супермаркеты)
- ✓ Бутики, непродовольственная розница
- ✓ Рестораны, кафе, бары
- ✓ Фитнес-клубы, бильярдные, боулинги и т. д.

+ ЛИЦЕНЗИОННОЕ ПРОГРАММНОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ

АТОЛ Microinvest® айтида

✓ СВОЕВРЕМЕННАЯ ПОСТАВКА / АВТОМАТИЗАЦИЯ ПОД КЛЮЧ!




(+99871) 200-34-34 (доп. 18) www.micros.uz scales@micros.uz info@micros.uz

Товар сертифицирован
Услуги лицензированы

1355R/40

*Улуғ шоир ижодий мероси халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни Ватанга садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этади.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

# У бизнинг замондошимиз ва ҳамроҳимиздир



Бугун мамлакатимизда ички ва ташқи сиёсатда олиб борилаётган оқилона ёндашув Навоий ғоялари ҳамда таълимотига уйғунлиги билан алоҳида қадрлидир. Жумладан, қўшни ва қардош мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариш, борди-келди қилиш, кўп томонлама алоқаларни йўлга қўйиш, бу борада ғовларни олиб ташлаш борасидаги азму шижоат бобокалонимизнинг бир умр орзу қилган мақсад ва муддаоларига ҳамоҳангки, бундан барчамиз ибрат олмоғимиз зарур.

## ФАХР

Тарихий манбалардан маълумки, Алишер Навоий ҳеч қайси халқни бошқасидан афзал кўрмаган. Аксинча, барча миллат ва элат баробар, деб билган, барча халқларга катта муҳаббат ҳамда ҳурмат билан қараган. Улар орасида самимий дўстлик ва ҳамкорлик бўлишини астойдил истаган.

Халқ билан мулоқот, унинг бахт-саодати учун курашиш, орзу ва интилишларини амалга ошириш, куйлаш, халқлар дўстлигини тараннум этиш, ардоқлаш Навоий барча халқлар томонидан беҳад севилишига, асрлар мобайнида ўз асарлари билан номи ўчмаслигига сабаб бўлди.

Улуғ мутафаккир санъаткорнинг энг муҳим тарихий хизматларидан бири шундан иборатки, у зулмат ва разолат, жаҳолат ҳамда қабоҳат, хулқий бузуқлик ва маънавий тушкунлик кенг қанот ёйган даврда аҳволи ғоят аянчли бўлган, камситилган аёлларнинг самимий халоскори ҳамда дўсти, муҳофазачиси ва ғамгузори бўлди. Уларнинг қадр-қиммати ҳамда эркини топтаганларни, виждони, ор-номуси ва орзуларини поймол этганларни кескин танқид қилди.

Навоий аёлларни кўкларга кўтарди, уларни эркин ҳамда бахтиёр кўришни орзу қилди. Шу йўлда курашди, шу билан ҳам ўз номини абадиятга муҳрлади.

Бузруквор мутафаккир шоиримизнинг улкан орзулари бизнинг замонамиздагина амалга ошди.

Навоий томонидан яратилган юксак бадиият намуналари ифодаланган, ардоқланган энг илғор фикрлар, инсонпарварлик ва ватанпарварлик, софлик, вафодорлик ҳамда меҳнатсеварлик, халқпарварлик ва тинчликсеварлик каби юксак инсоний фазилатлар биз учун ғоят қимматлидир.

У шу билан ва шунинг учун улуғдир, шу билан ва шунинг учун бизнинг замондошимиз ҳамда ҳамроҳимиздир.

**Суйима ҒАНИЕВА,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони.**

# Алишернинг онаси

*Бутун маданият ва маърифат оламида ҳанузгача Абу Саид Чангнинг қизи, Ғиёсиддин Баҳодирнинг севимли рафиқаси, ўз даврида танилиб улгурган шоирлар Мирсаид Кобулий, Муҳаммадали Ғарибийнинг фидойи опаси, улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг азиз оналари исмига қизиқиш йўқолгани йўқ.*

## ТАЛҚИН

Масалан, ёзувчи Миркарим Осим "Зулмат ичра нур" қиссасида берилган тарихий асосга йўғрилган бадиий чизгини келтирсак: "Бир куни Ғиёсиддин бешик қучоқлаб ўтирган хотинига:

— Алишер тўрт ёшга тўлиб, бешга қадам қўйди, ани мактабга берайлик, — деб қолди.

— Ҳали ёшлик қилмасмикин? — деди Алишернинг онаси киртайган, ҳорғин кўзларини кўтариб. Унинг эмизакли боласи Дарвешали жуда йиғлоқи бўлиб, тинка-мадорини қуритар эди.

— Бола ўткир зеҳнли, тез идрокли. Бекор юргандан кўра ҳарф ўргансин. Эрта шанбадан бошлаб Ҳусайн билан бирга мактаб борсин.

— Ихтиёр сизда..."

Демак, "Ихтиёр сизда...", дея меҳрибон она ҳадик билан рози бўлди ва кўнглида ўғли Алишернинг устозларидан олган сабоқларини вақтида назорат қилиб боришни, уй вазифаларини бажаришда диққатли бўлишни ният қилди.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Алишер Навоийнинг онаси "осмонни ерга туширган" деб эътироф этилган Улуғбек Мирзонинг онаси, малика Гавҳаршодбегимнинг маърифий йиғинларида иштирок этган, болалигида бу маънавий риштага кўп бора гувоҳ бўлган бола Алишернинг кейинчалик машҳур маликага "Вақфия" асарида "Маҳди улъё ва Билқиси узмо" деб юксак баҳо беришига, "Мажолис ун-нафоис" тазкирасида эса Ҳирот маданий, маърифий ҳаётига сезиларли ижобий таъсир кўрсатган "Гавҳаршодбегим" мадрасасини бир неча марта эсга олишига сабаб бўлган, дейиш мумкин.

Навоий яшаган даврда хотин-қизларнинг бошига ўрайдиган рўмол турларидан бирининг номи "кўк ёғлуқ" бўлган. Алишер Навоий эса айнан ушбу "кўк ёғлуқ" рўмоли билан боғлиқ пейзажни "Ҳайрат ул-аброр"нинг "Аввалғи ҳайрат" бобида ёзган:

*Гул ул ўюнға чу ҳавас кўргузуб,*
*Жайбидағи хурдаларин ўтқузуб.*
*Жола бинафшаға уруб тошини*
*Боғлаб кўк ёғлуқ ила бошини.*

Навоий айнан "кўк ёғлуқ" рўмолини гўзал бир чизгиларда тилга олиши бир томондан, ҳасби ҳол характерида бўлса, иккинчи томондан ўқувчи учун ҳам ҳайратли, ҳам қизиқарли тарздаги лирик лавҳадир. Ҳасби ҳол дейишимизга сабаб, балки шоирнинг муҳтарама онаси шу сингари рўмолни ёқтирган ёки шоир қулоқ оғриғида боғлаган "кўк ёғлуқ" айнан онасидан қолган ёдгорликдир, деган хулосага келишимиз ҳам мумкин. Фикримиз исботи сифатида "Бобурнома"да Алишер Навоий ҳақида тарихий маълумотлардан бирида "... Алишербек қулоқ оғриғида ёғлуқ боғлағон учун хотунлар кўк ёғлуқни қийиқ боғлағонни "нози Алишерий" от қўйди", деб ёзилғанини ўқишимиз мумкин.

Алишер Навоий ўз асарларида яратган оналар сиймосида, оналар тилидан битилган дуо ва истакларида ўз волидасининг фазилату сифатларини, сўзларини бадиий талқин қилган бўлса, не ажаб!

Қайд этиш керакки, улуғларимиз қаламидан "Алишернинг онаси" деб талқин қилинган тарихий ҳамда бадиий лавҳаларнинг гувоҳлик беришича, Алишер Навоийнинг онаси у улуғ зотнинг биринчи маънавий устозлари ҳам бўлган. Биз ва дунё халқлари ўтмишда ҳам, бугун ҳам бу улуғ онага, бу улуғ устозга, бу улуғ кайвони аёлга, бу нурли нуқтага ихлос, ҳавас, умид билан боқмоқда. Қадимий нақллардан бирида айтилишича, оламга ва олам аҳлига бобо-бувилари, ота-оналари томонидан катта яхшилик ўтган бўлса, Яратганнинг иноятибилан шу авлоддан, шу хонадондан шоҳ, машҳур уламо, ижодкорлар етишиб чиқар экан. Қарангки, ушбу қадимий нақлга тушган машҳур ижодкорлар сафида Алишер Навоийнинг ҳам номи бор. Мазкур шону шарафда оналарининг дуоси, хизмати, яхшилиги туфайли абадиятга дахлдор зот бўлиб етишган Алишер Навоий ҳар биримизда ифтихор туйғусини уйғотади.

**Буробия РАЖАБОВА,**
**филология фанлари номзоди.**

# Абадият гулшани



# «...Бир мавж ила айлади мунаққаш»

*Сўзнинг улуғлиги, сеҳру жозибаси, нозу назокати, қудрати ва муқаддаслиги ҳақида мутафаккирлар, алломалар бетакрор, пурмаъно фикр-мулоҳазаларни баён этишган. Уларнинг тавсифича, сўз мазлумнинг дуоси, золимнинг қаҳри, шоирнинг ҳикмати, олимнинг илми, йиқилганнинг халоскори, югурганнинг байроғи, бахтиёрнинг порлаган юлдузидир.*

## ҲАЙРАТ

Ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ҳам деярли барча асарида, хусусан, "Хамса"даги достонларида, "Назм ул-жавоҳир", "Муҳокамат ул-луғатайн", "Маҳбуб ул-қулуб" каби бадиий ҳамда илмий асарларида сўзни таърифу тавсиф этган. Айниқса, "Лайли ва Мажнун" достонида сўз юксак пардаларда тараннум этилган.

Шоир сўзга мурожаат қилар экан, уни мавжли денгизга ўхшатади ҳамда ердан тортиб осмонгача бўлган барча нарсалар калом-ла нақшланганини уқтиради:

*Эй сўз, не бало ажаб гуҳарсен,*
*Гавҳар неки, баҳри мавжарсен.*
*Ул баҳрки, мунча нақши дилкаш,*
*Бир мавж ила айлади мунаққаш.*

*Ер қаърию токи чарх авжи,*
*Мажмуи анинг буруңғи мажи.*

Яъни: "Гавҳар нимаси, мавж урган денгизсан! У денгиз бунча дилкаш нақшларни бир тўлқинланиш билан нақшлаб яратди. Ер қаъридан тортиб фалак юксаклигигача бўлган нарсаларнинг жами унинг аввалги мавжидир".

Бу талқинлар, гарчи рамзий бўлса-да, сўзнинг илмий талқинларига муносиб. Одамнинг лисоний манзараси тилда, аввало, сўзлар воситасида ифодаланади. Сўзлар борлиқдаги мавжуд нарса-буюм, воқеа-ҳодиса, белги-хусусият ва ҳаракатнинг номларидир. Барча-барча нарсалар сўзлар воситасида инсон хотирасида яшайди. Бошқача айтганда, улар сўзлар асосида аталиши билан мавжудлик сари қадам қўяди. Сўз воситасида тилнинг бирламчи, яъни аташ вазифаси рўёбга чиқади. Инсон сўзлар воситасида оламни идрок этади.

Ташбеҳу бадиий қиёслар асосида таъкидланганидек, сўз кўп қўлланилса-да, ўз маъно-моҳиятини йўқотмайди, балки сайқалланиб, маъно доираси кенгайиб, бойиб боради.

Сўз қадр ва мурувватда денгиз ва осмонлардайин бениҳоя, лутфу баҳода эса соф гавҳар:

*Ҳам қадру атода баҳру афлок,*
*Ҳам лутфу баҳода гавҳари пок.*

Шоир сўзнинг ёзилишини хаттот томонидан қора ипакка гавҳар тизилишига қиёслайди:

*Хама била улки сени сизди,*
*Гавҳарни қаро ипакка тизди.*

Тил сўз зикри билан юксакликка эришган, тишлар эса унга инжу тасбеҳидир:

*Тил зикринг ила чу топти таржиҳ,*
*Тишлар анга бўлди инжу тасбиҳ.*

Алишер Навоийнинг сўз ҳақидаги бу талқинлари асоссиз эмас, шоирнинг турли жанрларда яратилган мазмунан бой, услубан бетакрор, бадиият бобида юксак асарлари бунинг ёрқин далилидир. Шоирнинг сўз бобидаги шеърий бандларини ҳеч муболағасиз, оҳангу тараннумига кўра, сўз ҳақидаги қўшиқ, мазмун-моҳиятига кўра, сўз ҳақидаги ҳикмат, дейиш мумкин.

Улуғ мутафаккирнинг сўз ҳақидаги ҳикматли талқинлари бизни сўзга илоҳий неъмат, қудрат сифатида эъзоз ва эҳтиром билан муносабатда бўлишга ундайди.

**Носиржон УЛУҚОВ,**
**филология фанлари доктори.**

# Дунё эъзозидаги мерос

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Она тилига муҳаббат, ватанпарварлик, адолатпарварлик, меҳр-оқибат туйғулари онгу шууримизга Навоий асарлари орқали сингиган, десак, муболаға бўлмайди, — дейди филология фанлари номзоди Гулбаҳор Ашурова. — Ёшларимиз улуғ алломанинг тафаккур булоғидан сув ичиб улғайса, уларнинг маънавияти шунчалик юксалиб боради, жамиятимизда соғлом муҳит, эзгу инсоний фазилатлар барқарор бўлади.

Анжуманда Алишер Навоийнинг илмий меросига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Навоийнинг ижтимоий-фалсафий, адабий-эстетик ва диний дунёқараши, инсон тўғрисидаги фалсафий концепцияси, асарларидаги ҳуқуқий тушунчалар талқини, илмий меросининг хорижий мамлакатларда ўрганилишига доир маърузалар буюк бобомизнинг беназир тафаккур соҳиби бўлганининг яна бир ифодасидир.

— XVIII-XIX асрларда француз шарқшунослари Навоийнинг баъзи асарларини таржима қилиб, ундаги инсонпарварлик ғояларини чуқур ўрганган, — дейди Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Виолен де Вильмор. — Улар томонидан нашр этилган кўплаб илмий-адабий асарларда улуғ шоирнинг фан-маданият ривожига қўшган улкан ҳиссаси қайд этилган. Инсон борки, тили, миллати ва динидан қатъи назар, ҳаётдаги ўз ўрни, бурчи ва вазифалари ҳақидаги саволларга жавоб ахтаради. Навоий ижоди бу борада мангу маънавий булоқдир.

Мазкур анжуман буюк шоир ҳамда мутафаккир бобомизнинг ижодий ва маънавий меросига оид тадқиқотлар таҳлили асносида мамлакатимиз дунё цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини, умумбашарий тасаввур ҳамда тафаккур ривожида ўзбек халқининг салмоқли ҳиссаси борлигини яна бир бор намойиш этди.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири, атоқли давлат ҳамда жамоат арбоби Алишер Навоий туркий халқлар маънавияти ва адабиётининг ардоқли сиймосидир. Шарқ халқлари адабиётлари вакилларидан кўпчилиги Навоий ижодидан, унинг юксак поэтик маҳоратидан таъсирланганликларини миннатдорлик билан эътироф этишган.*

# «...Навоийдан бошлар бахшилар созни»

Атоқли туркман адабиётшунос олими, махтумқулишунос, академик Боймуҳаммад Гарриевнинг ёзишича, "Алишер Навоийнинг табаррук номи, асарлари ва бадиий образлари туркман халқи ўртасида ғоятда оммалашиб кетган. Навоий бизнинг юртда шу даражада ардоқли ва севимли сиймоки, биз унга ўз санъаткоримиз каби меҳрли муносабатда бўламиз. Ўйлайманки, Ўзбекистонда туркман мумтоз шоири Махтумқулига ҳам худди шундай самимий муносабатда бўладилар".

Дарҳақиқат, асрлар давомида Навоий ва Махтумқули асарлари икки халқда дарслик вазифасини ўтаб келган. Хаттотлар, ихлосмандлар бу икки донишманд шоир асарларини кўчириб, девон ҳамда тўпламлар сифатида халққа етказишган. Турли даврларда навоийхонлик, махтумқулихонлик мушоиралари ташкил этилган. XX-XXI асрларда эса икки шоир ижодининг ўзаро ташвиқотлари, асарларининг нашрлари ва ўрганилиши ўзининг юксак тараққиёт даражасига кўтарилди.

Навоий ҳамда Махтумқули ижоди, ўзбек-туркман халқларининг маданий алоқалари қалам аҳли томонидан ҳам ихлос билан эътироф қилиниб, талқин этиб келинмоқда.

Масалан, Туркманистон халқ шоири Қора Сейитлиев шундай ёзади:

*Туркманнинг уйида мажлис очилса,*
*Навоийдан бошлар бахшилар созни.*
*Ўзбекнинг уйида маъно сочилса,*
*Фироғийдан бошлар донолар сўзни.*

Махтумқули меросида Навоий ғазаллари ё рубоийлари таъсирида яратилган намуналар кўп. Шулардан бири "Тут" радифли ғазалдир.

## ЭҲТИРОМ

*Тахту жаҳинг кишвару мулки*
*Искандар бўлди тут,*
*Хизр умри ҳам бу мулк узра*
*муяссар бўлди тут,*

— дейилади Алишер Навоийда.

Мана, Махтумқулининг талқини:

*Сувга, елга ҳукми ўтган Сулаймон,*
*Боқ, улардан на ном қолди, на нишон.*
*Ташна қолиб, жойинг бўлса чўлистон,*
*Дарё ичра ман Искандар бўлдим тут!*

Мазкур лирик асарларда инсоний ғурур, қаноат, ор-номус ва мардлик, ахлоқ улуғланади.

Бундай адабий издошликнинг ёрқин мисоллари икки халқ маънавий-маърифий якдиллигининг, устоз-шогирдлик муносабатларининг ўзига хос кўриниши сифатида ҳам қимматлидир.

Алишер Навоий ва Махтумқули ижодида ғоявий-фалсафий муштарак жиҳатлар, миллий ҳамда умуминсоний маъсалаларга фаол муносабат кенг кўламда намоён бўлади. Саховат, қаноат, нафс, халққа ғамхўрлик, Ватанга, қадриятларга содиқлик, маънавий ва жисмоний соғломлик учун кураш каби жиҳатларда яқинлик кўзга ташланади.

Махтумқулининг ҳазрат Навоий даҳосига, ижодий кашфиётларига муносабати, муҳаббати айрича бўлиб, бу турфа ғоявий ва бадиий-шахсий кўринишларда намоён бўлади. Кўп ўринларда устоз номини эҳтиром билан эслаш, машҳур адабий қаҳрамонларига (Фарҳод, Ширин, Лайли ёки Мажнун каби) хос сифатларни қўллаш, мутафаккир асарларида илгари сурилган дўстлик, эзгулик, яхшилик, оқибат, вафо, муҳаббат каби ғоявий фазилатлар руҳида ижод қилиш йўналишларида бундай эҳтиром, Навоийнинг ўлмас анъаналарини ўз ижодида давом эттирган, шунинг билан бирга ўзига хос поэтик ифода усулида ижод қилиб, бизнинг ҳам атоқли ва севимли шоиримизга айлангани — ўзбек ҳамда туркман халқлари дўстлиги ва ҳамнафаслигининг ёрқин тимсоли сифатида ниҳоятда қадрлидир.

**Абдуғаффор ХОНОВ,**
**Ўзбекистон — Туркманистон дўстлик жамияти фаоли,**
**адабиётшунос ва таржимон.**

## ХОРИЖЛИК ОЛИМЛАР ЭЪТИРОФИ



Адиблар, тарихчилар, иншопардозлар, муъаммо ёзувчилар, хаттотлар, мусаввирлар, котиблар, меъморлар, шатранжбозлар, мусиқашунослар, паҳлавонлар, заргарлар, кулоллар, тикувчилар ва ўша даврдаги бошқа турли-туман билим, санъат ҳамда ҳунар соҳиблари, мутахассислари Амир Алишер ҳузурига тўпланишиб, ўша замон илми, талаби ва услубига биноан асарлар ёзишар эдилар. Амир Алишер ўшаларнинг ҳаммасига зўр ҳафсала, қунт ҳамда эътибор билан маслаҳатлар берар, ҳусн-рағбат кўрсатар ва уларга ҳомийлик қилар эди.

**Саид Муҳаммад АБДУЛЛО,**
**покистонлик навоийшунос олим.**

XV асрнинг охирида темурийлар салтанатининг маданий ҳаётига жуда муҳим таъсирини ўтказган инсон Мир Алишер Навоий бўлиб, у янги сиёсий ва иқтисодий шароитни яратишда ғоят катта ёрдам берди. Султон Ҳусайннинг яқин дўсти Мир Алишер муҳтожларга хайру эҳсон қилувчиларнинг машҳури, шоир ва олим эди.

**Томас ЛЕНТЕ, Глени ЛОУВРИ,**
**АҚШ олимлари.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 245. 139 555 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-6768

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 23.40 1 3 4 5 6